

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ҲАСАНОВ ШАВКАТ ТУРСУНҚУЛОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.04 -Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ҳасанов Шавкат Турсунқулович

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш
самарадорлигини ошириш3

Ҳасанов Шавкат Турсунқулович

Повышение эффективности использования земельных и водных
ресурсов в сельском хозяйстве.....31

Hasanov Shavkat Tursunkulovich

Increasing efficiency of using land and water resources in agriculture.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....63

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ҲАСАНОВ ШАВКАТ ТУРСУНҚУЛОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан 18.11.2015/В2015.3-4.1585 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация иши Самарқанд кишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) илмий кенгаш веб-сайтида (www.tiame.uz) ва «Ziyonet» ахборот-илмий порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилди.

Илмий маслаҳатчи

Муртазаев Олим

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Чориев Қурбон Амирович

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Эргашев Раҳматулла Хидирович

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Маматқулов Абдурашид Вахидович

иктисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.1.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Фан доктори (DSc) диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди (2017 йил _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

У.П.Умурзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Б.Ф.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иктисодиёт фанлари номзоди

Н.С.Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхшилаш, харажатларини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш каби муҳим ташкилий-таркибий ва ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги вазифаларни ҳал этиш, биринчи навбатда, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражаси билан бевосита боғлиқ. Зеро, «Дунёда инсонлар эҳтиёжларини қондиришда ер ресурслари асосий воситалардан бири бўлиб, у 95 фоиздан ортиқ озиқ-овқат, асосий кийим-кечак ва барча турдаги ўрмон маҳсулотлари билан таъминлайди».¹

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва бозор муносабатларига ўтиши аграр соҳада туб таркибий ислохотларни амалга оширишни тақозо этди. Хусусан, қишлоқ хўжалигида ер ва мулкка эгаликни кафолатловчи ҳуқуқий асослар шакллантирилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Шунингдек, экинларни жойлаштиришда тупроқ унумдорлигини яхшиловчи экинлар салмоғини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари ҳамда ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кенг қамровли чоратadbирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ерларнинг унумдорлиги, экологик ҳолати яхшиланди, экинлар ҳосилдорлиги ошиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпайди. Бироқ замон тараққиёти бу борадаги ислохотларни такомиллаштириш учун мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шу сабабдан ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида истиқболда “энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш...”, “пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш”² каби масалалар стратегик вазифа қилиб белгилаб олинди.

Ер юзида глобал иқлим ўзгаришлари натижасида сўнгги йилларда юз бераётган сув танқислиги, яйловлар деградацияси, чўлланиш даражасининг кучайиши қишлоқ хўжалигига салбий таъсир этмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида илмий асосланган экинларни алмашлаб экиш тизимининг издан чиқиши, шунингдек, интенсивлаштириш омилларидан тўлиқ ва оқилона фойдаланмаслик, қишлоқ хўжалиги ерларининг мавжуд мелиоратив ҳолати тармоқнинг иқтисодий ва экологик жиҳатдан барқарор ривожланиши учун хавф-хатарлар кўламининг ортишига олиб келмоқда. Хусусан, ер тоифалари ва майдонлари унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда экинларни жойлаштириш, тегишли ҳудудларда тупроқ унумдорлигини оширувчи экинлар салмоғини мақбуллаштириш орқали тармоқларнинг инвестицион ва меҳнат

¹Young, A., 1998. Land Resources—Now and for the Future. Cambridge University Press, Cambridge.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 29-бет.

жозибадорлиги ҳамда иқтисодий самарадорлигини юксалтиришга хизмат қиладиган бозор механизмларини шакллантириш каби муаммоларнинг мавжудлиги уларни ҳал этиш борасида илмий тадқиқот ишларини янада кенг кўламда олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги (1993), «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги (1998) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон «2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги 39-сон «2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастурида назарда тутилган комплекс чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча тадбирлар» Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.³ Дунё кишлоқ хўжалиги иқтисодиётида ресурслардан самарали фойдаланиш ва ҳудудларни барқарор ривожлантириш муаммолари ҳозирда жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан Center of Development Research University of Bonn (ZEF), Department of Agricultural Economics and Rural Development University of Goettingen, Center for international Development and Environmental Research University of Giessen (ZEU), IAMO – Leibniz Institute of Agricultural Development in Transition Economies (Германия), Odense University (Дания), The Centre for Efficiency and Productivity Analysis (CEPA) (Австралия), Department of Agricultural Economics University of Ghent (Бельгия), Applied Economics Department University of

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.zef.de/, www.uni-goettingen.de, www.iamo.de, www.sdu.dk, www.uq.edu.au/economics/cepa/, www.ugent.be/bw/agricultural-economics/en, www.uv.es/uvweb/applied_economics_department/, www.uwrf.edu/AGEC/, www.pku.edu.cn, www.wur.nl/en/Education-Programmes/PhD-Programme/Graduate-Schools/ ва бошқа манбалар асосида.

Valencia (Испания), Agricultural Economics Department University of Wisconsin (UWRF) (АҚШ), University of Peking (Хитой), Wageningen School of Social Sciences (Голландия) каби илмий марказлар ва университетларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишга оид жаҳонда олиб борилган изланишлар бўйича қатор илмий натижалар олинган, жумладан: самарадорликни ўзгарувчан ва ўзгармас ишлаб чиқариш технологиялари шароитида ҳисоблаш услубиётлари таклиф этилган (University of Texas at Austin, АҚШ); турли методлар асосида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва омиллар унумдорлигини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган (Centre for efficiency and productivity analysis, Department of econometrics, University of New England, Австралия); тармоқлараро алоқаларни ўрнатиш орқали қишлоқ хўжалигида ер ва сувдан оқилона фойдаланиш йўллари асосланган (Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), Италия); сифат омилларининг самарадорликка таъсири ишлаб чиқилган (Peking University, Хитой; International Food Policy Research Institute, АҚШ); қишлоқ хўжалигида сув ресурсларининг суб-вектор самарадорлиги ва унга таъсир этувчи сифат кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик асосланган (The University of Queensland, Австралия); «суперсамарадорлик» методи асосида ресурслардан оқилона фойдаланишда корхоналар рейтинги аниқланган (Department of Economics, Terry College of Business, University of Georgia, АҚШ).

Дунё миқёсида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда сифат омилларининг таъсири масалалари; ер ва сувдан фойдаланишда қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро кооперация асосида самарадорликни ошириш; атроф-муҳит таъсирларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали даромадларни ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бозор муносабатлари шароитида самарадорлик назарияси ва унинг кўрсаткичлари тизими кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, самарадорлик назариялари К.Макконнелл ва С.Брю, Эдвин Дж. Долан ва Дэвид Е.Линдсей, М.Ж. Фаррел, Дж. С. Милл, Ф.Х.Кнайт, Ж.Б.Сэй, Й.Х.Тюнен, Х. фон Мангольдт, Джон Бейтс Кларк, П.И.Чужинов, Р.Пиндайк ва Д.Рубинфельд, А.Рожер каби кўплаб хорижий давлатларнинг йирик иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқ этилган.⁴

Республикаимизда эса қишлоқ хўжалигида чекланган ресурс ҳисобланган ер ва сувдан фойдаланиш, ер майдонларини давлат томонидан ҳисобга

⁴Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика. Пер. санг. Таллин. – 1993. – с. 38–39.; Долан, Д.Линдсей. Рынок: микроэкономическая модель. – Санкт-Петербург, 1992. – с. 12; Farrell, M.J. “The measurement of Productive Efficiency” Journal of Royal Statistical Society, Series A, 120:253–290, 1957; Knight F.H., Risk, Uncertainty, and Profit. Boston, Houghton, 1921, 6–16 pp.; Петренко И.Я., Чужинов П.И. Экономика сельскохозяйственного производства – Алма-ата, «Кайнар» – с. 325; Пиндайк Р., Рубинфельд Д., Микроиқтисод (инглизчадан таржима). – Т.: «Шарқ», 2002. – 390-б.; Roger A.Arnold, Microeconomics, 9th ed., South-Western Cengage Learning. – 2008, 171 p.

олишнинг тартиб ва усуллари, ер кадастрини юритиш, тупроқ бонитировкаси, ернинг иқтисодий баҳоси, қишлоқ хўжалигида дифференциал рента шаклланиши, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ресурс бирлиги ҳисобига кўпроқ соф фойда олишнинг назарий ва услубий асослари В.В.Ким, М.К.Каюмов, С.Н.Усмонов, Г.Г.Добудогло ва М.Ҳошимжонов, А.Абдуғаниев, Ж.М.Медетуллаев, Қ.А.Чориев, Ў.П.Умурзаков, С.Ч.Джалалов ва О.Муртазаев каби аграр иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган.⁵

Лекин юқорида келтирилган ишларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига ва бозор муносабатларига ўтиш даврига қадар амалга оширилган илмий тадқиқотлар бўлиб, мазкур ишларда чекланган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш борасидаги хорижий олимларнинг илмий ишларини мамлакатимиз доирасида фойдаланиш масалаларига деярли эътибор қаратилмаган.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, келгуси авлод эҳтиёжларини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ижтимоий-иқтисодий ва экологик масалаларни ҳисобга олиб, «эко-самарадорлик»ни (ёки иқтисодий-экологик) таъминлаш, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг таркибий ўзгариши натижасида «таркибий самарадорлик», фермер хўжаликларида даромадлар шаклланиши масалалари Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) илмий тадқиқотлари доирасида атрофлича ўрганилган.⁶

Бозор муносабатларининг чуқурлашиб бориши ва ер-сув ресурслари миқдорининг чекланганлиги шароитида ердан фойдаланиш самарадорлигини юксалтиришга эришиш интенсив омиллар ҳисобига юз бериши лозим. Яъни, ер-сув, моддий-техник, молиявий ресурсларни мутлақ ва нисбий тежаш ҳисобига кўпроқ маҳсулот ва фойда олиш масалаларини ҳал этиш талаб этилади. Шунингдек, аграр тармоқда иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш натижасида юз берган ўзгаришлар бу борадаги илмий тадқиқот ишларини давом эттиришни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика аграр иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келувчи Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида ва муаллиф

⁵ Ким В.В. Некоторые вопросы перевода экономики на рыночные отношения // Материалы научно-практической конференции. – Т.: 1990. – с.14; Каюмов М.К. «Программирование урожая сельскохозяйственных культур». – М.: Агропромиздат, 1989. – с.14; Усмонов С.Н. Проблемы земледельческого прибавочного продукта. – Т.: Узбекистан, 1979. – с.184; Добудогло Г.Г., Хошимжонов М. «Экономическая оценка орошаемых земель». – Т.: Фан, 1966. – с.148; Абдуғаниев А., Повышение экономической эффективности использования орошаемых земель в Узбекистане. – Т.: Фан, 1983; Медетуллаев Ж.М. Агропромышленный потенциал Каракалпакской АССР. – Нукус: Каракалпакстан – с.75; Чориев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. – Т.: Фан, 1992. – с.182; Умурзаков У.П. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. – Т.: Фан, 2005. – с.211; Джалалов С.Ч. Орошаемые земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. – Т.: Chinor ENK, 2000.; Муртазаев О. Пахтачилик агросаноат мажмуаси самарадорлигини ошириш муаммолари. – Т.: Фан, 2005.342-6.

⁶ OECD, Organization for Economic Co-operation and Development. *Eco-efficiency*. (Paris: OECD, 1998).; Happe K., Agricultural policies and farm structures, IAMO, Halle, 2004; OECD, Farm Household Income Policy-Issues and Policy Responses, Paris, 2003.

иштирок этган ҚХА-2-022 «Пахтачилик мажмуаси тармоқлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш» (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 31 октябрдаги ФТК 02-13/729-сонли хати) номли илмий тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган. Шунингдек, диссертантнинг Корея Республикасининг KDI (Корея Ривожлантириш институти) билан ҳамкорликда бажарилган «Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлашда агрокластерларни ташкил этиш» (2013–2014) халқаро илмий лойиҳасидаги тадқиқот натижалари диссертациянинг таркибий қисмига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ хусусиятларни назарий ва услубий жиҳатдан таснифлаш;

турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқаришга жалб қилинган ресурслар самарадорлигини баҳолаш ва тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ҳисоблаш услубини ҳамда суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг потенциал унумдорлигини аниқлаш услубиётини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлар ҳосилдорлигини турли хўжалик юритувчи субъектлар ва ер майдонлари бўйича иқтисодий баҳолаш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи ишлаб чиқариш функциясини такомиллаштириш;

чекланган ресурслар қийматининг ўсиши шароитида ишлаб чиқаришни максималлаштириш моделини яратиш ва унинг натижаларини қўллаш асосида қишлоқ хўжалиги субъектларининг давлат ислохотлари таъсиридаги ўзгариш тенденциясини ифодаловчи муқобил вариантларни ишлаб чиқиш;

экинлар таркибини такомиллаштириш асосида қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг башорат кўрсаткичларини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси, хусусан Зарафшон водийси ва «Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалиги корхоналарида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қишлоқ хўжалиги корхоналарида ер-сув ресурсларининг турли самарадорлик турларини «маълумотлар муҳити таҳлили» модели асосида таҳлил қилиш, статистик гуруҳлаш, социологик сўров, самарадорликка таъсир этувчи омилларни баҳолаш модели каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фермер хўжаликларида ер-сувдан фойдаланиш муносабатларини тартибга солувчи қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали улардан фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб қилинган чекланган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган;

қишлоқ ҳудудларини комплекс ривожлантиришга қаратилган ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида “агрокластер”ларни ташкил этиш механизми ва уларнинг истиқболлари бўйича назарий-илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини “суперсамарадорлик” ҳамда сувдан самарали фойдаланиш имкониятларини “суб-вектор” усуллари қўллаш орқали оширишга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

унумдорлиги паст ер майдонларини озиқ-овқат йўналишидаги экинларни жойлаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини оптималлаштиришнинг 2020 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида чекланган ер ва сув ресурслардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ хусусиятлар таснифи ишлаб чиқилган;

ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни таҳлил қилишдаги мавжуд методологиялар, моделлар ва уларни қишлоқ хўжалигида қўллаш имкониятлари очиб берилган;

қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш даражасидаги ўзгаришлар ва уларга таъсир қилувчи омиллар, уларни баҳолаш ва таъсирини аниқлаш йўллари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда мева ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш занжирини ўзида жамлаган кластерлаш стратегияси ишлаб чиқилган;

чекланган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига аграр сиёсат инструментларининг таъсирини баҳолашда мульти-категориал кўрсаткичлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

илк бор ер ва сув ресурслари самарадорлигини аниқлашда DEA (маълумотлар муҳити таҳлили) моделидан фойдаланилган ва уни қишлоқ хўжалигида ресурслар самарадорлигини аниқлашда қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, статистик маълумотлар ва эксперт сўровнома, шунингдек бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертацияда асослаб берилган ва қўлланилган тадқиқот моделлари қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни яхлит ҳолда ўрганиш, аграр сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг қишлоқ хўжалигига таъсирини келгусида башорат қилиш ва мақбул ривожлантириш стратегиясини яратиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан агросаноат мажмуасини ривожлантириш учун қабул қилинган қарорларни ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, республикада янги хўжалик юритиш тизими – агрокластерлар ташкил этишнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси» ва «Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

ер-сувдан фойдаланишнинг асосий хусусият ва йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, унинг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблашнинг такомиллаштирилган услублари бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан (08.08.2014 й. 194-сон буйруғи асосида) амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 20 июндаги 01/09-202-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф этилган кўрсаткичлар орқали қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан ҳамда сувдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш имконияти яратилган;

фермерлар томонидан ишлаб чиқаришга сарфланадиган ресурслар миқдорини камайтириш йўллари топиш ва уни алмаштириш масаласини ҳал этишда DEA моделининг сарфланаётган ресурсларни камайтиришга қаратилган, илғор фермер хўжаликларида ер ресурсларидан янада самарали фойдаланишни баҳолашда «суперсамарадорлик» ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлигини акс эттирувчи «суб-вектор» усулидан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 1 декабрдаги 05/09-813-сон маълумотномаси). Бу усулдан фойдаланиш Зарафшон водийсида пахта ва ғалла етиштириш учун гектарига сарфланган сув сарфини тежаш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш, хусусан, Бухоро вилоятида ғаллачиликда гектаридан 16,5 минг сўм ёки жами 1456,7 млн. сўм ва пахтачиликда мос равишда 11,3 минг сўм ёки 1382,8 млн. сўм сув сарфи учун тўланадиган харажатларни тежаш имконини берган;

қишлоқ ҳудудларини комплекс ривожлантириш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида янги хўжалик юритиш шакли агрокластерларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалик корхоналарида намунавий лойиҳа сифатида татбиқ этилиши бўйича қарор қабул қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 1 декабрдаги 05/09-813-сон маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш ҳудудларнинг табиий-жойлашуви бўйича ўзига хос ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берган;

пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган кам даромадли хўжаликларда озик-овқат экинларини жойлаштириш орқали экин майдонлари таркибини сердаромадли соҳага айлантиришга йўналтирилган 2016–2020 йилларга мўлжалланган прогноз Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2015 йил 31 декабрдаги 281-сонли буйруғига асосан Самарқанд вилоятида амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 20 июндаги 01/09-202-сон маълумотномаси). Натижада паст ҳосилли экин майдонлари ҳажми 8-10 фоизга қисқартирилиб, уларда мева-сабзавотга ихтисослашган ишлаб чиқаришни ташкил этилиши туфайли маҳсулот ҳажми 30-32 фоизга ортганлиги кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 10 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш, жумладан, 2 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 25 та мақола, шу жумладан 16 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 240 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот мавзуси республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қишлоқ хўжалигида чекланган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида чекланган ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ хусусиятлар асосланган ва унинг назарий асослари ривожлантирилган, шунингдек, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг концептуал асослари ва ҳуқуқий масалалари очиб берилган.

Қишлоқ хўжалигида мулкчилик шакллари ва мулккий муносабатларни такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган ташкилий-иқтисодий ислохотлар натижасида асосий мулкдорлар сифатида қаралаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш учун давлат дастурлари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар йилдан-йилга мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Республикамиз фермерлари учун хомашё маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уни диверсификациялаш, яъни маҳсулотлар сони ва турларини кенгайтириш, уларни қайта ишлаш ёки сотиш билан боғлиқ кўп тармоқли фаолият юритишларига қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши уларга қўшимча даромад олиш ва, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этишда муҳим роль ўйнамоқда. Зотан, «... Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди».⁷

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мавжуд ишлаб чиқариш воситалари, ер ва сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишга боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида ишлаб чиқаришни асосан интенсив омиллар ҳисобига юксалтиришни устувор вазифалар даражасига кўтаради. Айниқса, республикамизда етарли миқдордаги сув ресурсларисиз қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириб бўлмайди. Мавжуд сув ресурслари эса қишлоқ хўжалигининг сувга бўлган талабини тўлиқ таъминлай олмайди.

Айни пайтда ер ва сув ресурслари нотекис тақсимланган. Уларга эгалик қилишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона

⁷ И.А. Каримов «Мамлакатни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида». – Тошкент: Ўзбекистон, 2013 й. 21-том, 173–183-бб.

фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»⁸, деб алоҳида қайд қилинган. Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиб, ер унумдорлигини ошириш, сувдан фойдаланишни яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши доирасида ер ва сув ресурсларининг иқтисодий асос эканлигини ҳисобга олиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги бозор шароитида ишлаб чиқаришнинг тақдирини белгилаб бериши (хўжалик юритувчи субъектда такрор ишлаб чиқариш жараёни давом этиши ёки инқирозга юз тутиши), уларнинг миқдорини кўпайтириб бўлмаслигини инобатга олиб, уларни чегараланган ресурслар сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда қишлоқ хўжалигида чегараланган ёки чекланган ресурслар тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалигида чекланган ресурслар – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий асосини ташкил қилган, иқтисодий фойдаланиш жараёнида инсон томонидан бошқарилган ҳолда қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида фойдаланиш имкониятини берувчи, сифат кўрсаткичларининг ўзгартирилишига юқори даражада мойил бўлган, аммо мутлақ миқдорини кўпайтириш имконияти мавжуд бўлмаган табиий ресурслардир.

Мазкур таъриф қишлоқ хўжалигида чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш усуллари, механизмлари ва йўллариининг кенг қирралилиги, улардан фан, техника ва технология соҳаларида яратилган инновацияларни жорий этиш жараёнида алоҳида ва уйғун тарзда фойдаланиш имкониятларини оқилона ишга солиш зарурияти ва қонуниятларини ифода қилиб, инсониятни чекланган ресурслардан фойдаланишдаги имкониятларидан энг самаралиларини қидириб топишга ундайди.

Шундай қилиб, мазкур ресурсларнинг миқдор жиҳатидан чекланганлиги, улардан самарали фойдаланишнинг зарурияти қуйидагиларда ўз аксини топади, жумладан:

мамлакатда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатларига жалб қилинган, маҳсулот етиштириш имконини берадиган ерлар мутлақ миқдорининг чекланганлиги ва уни кўпайтириб бўлмаслиги, шунингдек қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибида сифати ва унумдорлиги юқори бўлган қисмининг камлиги;

суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан илмий асосланган тавсиялардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги ҳисобига тупроқ унумдор қатламининг турли эрозияга учраши, мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, иккиламчи шўрланиш жараёнининг пайдо бўлиши ва натижада қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиётига зарар келтириши;

⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 3-бўлим, XII боб, 55-модда. – Тошкент: Ўзбекистон. 2014. 19-б.

мавжуд (чекланган) қишлоқ хўжалиги ерлари ва сув миқдори доирасида амалдаги агротехнологиялар, эришилган ҳосилдорлик асосида тобора сони ортиб бораётган мамлакат аҳолисини сифатли ва миқдор жиҳатидан етарли бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятининг маълум даражада чекланганлиги;

моддий-техник ва энергетик ресурслар баҳоларининг ортиб бориши натижасида мос равишда ерга ишлов бериш ва қишлоқ хўжалигига сув етказиб бериш сарф-харажатларининг ортиб бориши;

умумжаҳон миқёсида рўй бераётган глобал иқлим ўзгаришларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсири ўз навбатида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш тадбирларини амалга оширишни талаб этади. Хусусан, тоғ ва тоғ олди ҳамда лалми деҳқончилик ҳудудларини ҳам озиқ-овқат йўналишидаги ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Фан ва технологиянинг ривожланиши натижасида яратилаётган инновацион ишланма ва маҳсулотларни тезкор ва оқилона татбиқ этиш бўлғусида суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ва тупроқ унумдорлигини ошириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Бозор иқтисодиёти шароитида бу имкониятлардан фойдаланишда тупроқ унумдорлигининг нафақат табиий, балки сунъий, иқтисодий-ижтимоий-экологик унумдорлик даража ва тушунчаларини эътиборга олиш лозим бўлади. Яъни, бизнинг фикримизча, *қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини кенг маънода унинг барча маҳсулотларини инсонлар истеъмол қилишини назарда тутган ҳолда унинг саломатликка таъсирини ҳисобга олиб, ижтимоий-иқтисодий-экологик самарадорлик нуқтаи назаридан баҳолаган ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади.*

Маълумки, бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири қишлоқ хўжалигида, жумладан пахтачилик ва ғаллачиликда фақат хомашё ишлаб чиқаришгина эмас, балки уларни қайта ишлаш ва сотишни ҳам тўғри ва самарали амалга ошириб, нафақат ички истеъмол, балки экспортда ҳам салмоғини оширишдан иборат. Зеро, чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш нафақат аҳолининг ўсиб бораётган ички эҳтиёжларини, балки ташқи савдони яхши йўлга қўйишда ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун келажакда чекланган ресурслардан юксак даражада самарали фойдаланиш учун уларнинг алоҳида ўзига хос бўлган томонлари ва хусусиятларини ҳисобга оладиган ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилиши ва ислохотларнинг ҳар бир босқичи талабларига мос тарзда такомиллаштирилиб борилиши мақсадга мувофиқ. Шундагина, чекланган ресурслардан, яъни ер ва сувдан фойдаланишда умумий жавобгарлик, самарадорликни оширишда биргаликда фаолият юритиш жараёнида алоҳида тармоқлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг масъулияти кучаяди.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигида асосий иш берувчи ва кўп тармоқли субъект сифатида ривожланиши ердан фойдаланиш

борасидаги ҳуқуқий базани ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади. Шу боис ердан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини ошириш мақсадида, шунингдек, бозор муносабатлари шароитида ерни нафақат хўжалик объекти сифатида, балки мулк объекти сифатида ҳам рўёбга чиқаришни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»га «Ер бозори» деган алоҳида модда киритиш тавсия этилди.

«Ер кодекси»нинг 3-боби («Ер тузиш») 15-моддаси («Давлат ер кадастри»)даги «Давлат ер кадастри ернинг қиймат баҳосини аниқлаш учун асос бўлади» деган жумлани *«Давлат, хўжаликлар ва фуқаролар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда ернинг баҳосини аниқлаш муҳимдир»* деб алмаштириш, шунингдек, 4-боби («Ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари») 28-моддаси («Ер учун ҳақ тўлаш»)даги «Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади» деган жумлани, *«Ер учун ҳақ ҳар йили ернинг меъёрий қийматини ҳисобга олиб аниқланадиган ягона ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори сифатли сув ва ўзгиртириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисобланиши билан таъминланганлик даражасига қараб белгиланади»* деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисобланди. Шунингдек, 30-моддаси («Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут)»)га *«Ер участкаси мулкдори, эгаси, фойдаланувчиси ва ижарага олувчиси қўшни ер участкасининг, зарур ҳолларда эса бошқа ер участкасининг ҳам мулкдори, эгаси, фойдаланувчиси ҳамда ижарага олувчисидан ўзининг ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) белгиланмаса, таъминланиши мумкин бўлмаган эҳтиёж-лари учун сервитут берилишини талаб қилишга ҳақлидир...Сервитут белгиланиши ер участкаси мулкдори, эгаси, фойдаланувчиси ва ижарага олувчисини бу ер участкасига бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилмайди. Сервитут, уни белгилашни талаб қилган шахс билан ўзга ер участкасининг мулкдори, эгаси, фойдаланувчиси ва ижарага олувчиси ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Сервитутни белгилаш ёки унинг шартлари тўғрисида келишувга эришилмаган ҳолда низо ерларда сервитут белгиланишини талаб қилаётган шахснинг даъвоси судда ҳал этилади»* мазмунда қўшимча киритиш тавсия этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонунининг «Фермер хўжалиги» деб номланган 3-моддасини: *«Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қонунларда таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан ҳам шугулланувчи мустақил хўжалик юритувчи тадбиркорлик субъектидир»* таҳририда ўзгартириш, шунингдек, мазкур қонуннинг 5-моддасига *«Асаларичилик соҳасида фаолиятини амалга оширувчи фермер хўжалиги асалари боқилиши учун қулай бўлган ҳудудларда, жумладан тоғли ва тоғ олди ҳудудларида энг камида 64 та асалари оиласи (32 та қўти) бўлган тақдирда ҳар бир асалари оиласи учун камида 0,01 гектар ер майдони ажратилган ҳолда таъкил этилади»* таҳриридаги қўшимча

киритилиши тавсия этилган. Ушбу 13-моддаси («Ердан фойдаланиш»)га «Фермер хўжалиги бошлиғи ижарага олинган ер участкаларини ўз ходимларига ички хўжалик пудрат шартномаси асосида бириктириб бериши мумкин. Бунда:

- пудрат шартномаси узоқ (5 йилдан кам бўлмаган) муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходими;

- қишлоқ хўжалиги йўналишидаги махсус ўқув билим юртини битирган (3 йилгача) ёш мутахассисга;

- ушбу хўжаликда узоқ муддатли фаолият кўрсатган ва ишлаб чиқаришда меҳнат қобилиятини йўқотган, бевақт вафот этган ходимнинг тажрибали оила аъзосига устуворлик берилади.

Фермер хўжалиги бошлиғи ижарага олинган ер участкасини қисқа ва узоқ муддатли пудрат шартномаси асосида ўз ходимларига бириктириб беради:

- қисқа муддатли ички хўжалик пудрат шартномаси, ғалладан бўшаган ер участкаларидан 6 ойгача муддатга такрорий экин экиш учун берилади;

- узоқ муддатли ички хўжалик пудрат шартномаси асосида ер участкаси 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга тупроқ унумдорлигини оширувчи оралик ва такрорий экин экишни кўзда тутган ҳолда ходимларига бириктириб берилади» таҳририда қўшимча киритиш тавсия этилмоқда.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-боб 31-моддаси («Сув объектларидан фойдаланиш муддатлари») 3-қаторида «Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати: қисқа – уч йилгача ва узоқ – йигирма йилгача бўлиши мумкин» деганган жумлани «Сув объектларининг тури ва хизмат қилиш муддатини ҳисобга олган ҳолда, улардан вақтинча фойдаланиш муддати: қисқа – уч йилгача ва узоқ – йигирма йилгача бўлиши мумкин» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг «**Ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг илмий-услубий асослари**» деб номланган иккинчи бобида чекланган ресурслардан фойдаланишни таҳлил этишдаги мавжуд методологиялар кўриб чиқилган ва уларга шарҳ берилган, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими шакллантирилган ва такомиллаштирилган. Илмий тадқиқот иши учун танланган моделга тавсиф берилган, иқтисодий жараёнлар моделлаштирилиб, ушбу моделни қишлоқ хўжалигида қўллаш имкониятлари очиқ берилган.

Тадқиқотда иқтисодчиларнинг турли хил нуқтаи назарларини ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини характерловчи кўрсаткичларни қуйидагича таснифлаш мумкин (1-жадвал).

Тавсия этилаётган кўрсаткичлар тизими ерлардан фойдаланиш самарадорлигини турли йўналишлар даражасида аниқлашда, уларни қисмларга ёки деталларга бўлиб таҳлил қилиш ва шунга асосан тегишли чоратадбирлар ишлаб чиқишда, шунингдек ҳар бир жараённинг умумий самарадорликдаги ўрни ва ҳиссасини кўрсатиб беришда аҳамиятлидир.

Суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар таснифи⁹

Кўрсаткичлар гуруҳи		Ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари
Қиймат кўрсаткичлари		– бир гектар суғориладиган ерга тўғри келган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати (минг сўм); – бир гектар суғориладиган ерга тўғри келган қишлоқ хўжалиги соф маҳсулоти қиймати (минг сўм); – бир гектар суғориладиган ерга тўғри келган фойда миқдори (минг сўм); – ернинг балл бонитетига тўғри келган фойда миқдори (минг сўм).
Натурал кўрсаткичлар	<i>Ишлаб чиқариш самарасини акс эттирувчи (интенсив)</i>	– бир гектар суғориладиган ердан олинган ҳосил миқдори экин турлари бўйича (ц/га); – 100 га ҳайдаладиган ерга тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори (центнер); – 100 га экин майдони ҳисобидан олинган озуқа экинлари (ц/оз.бирл.); – 100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ҳисобига тўғри келадиган чорвачилик маҳсулотлари миқдори турлари бўйича (центнер).
Нисбий кўрсаткичлар	<i>Ер ресурсларини қишлоқ хўжалиги оборотига жалб қилиш даражасини акс эттирувчи (экстенсив)</i>	– ер ресурсларидан фойдаланиш коэффиценти; – қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш коэффиценти; – ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш коэффиценти; – экинзорлардан фойдаланиш коэффиценти; – янги ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш коэффиценти.
	<i>Суғориладиган ерлар ҳажми ва салмоғини акс эттирувчи (миқдор ва ҳажм)</i>	– ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетиш коэффиценти; – суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибидаги салмоғи (%); – экин майдонларининг суғориладиган ерлар таркибидаги салмоғи (%).
	<i>Агротехник тадбирлар самарасини акс эттирувчи</i>	– суғориладиган ерларнинг ишлов берилганлик коэффиценти; – суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик коэффиценти; – суғориладиган ерларнинг техника воситалари билан таъминланганлик коэффиценти.
Сифат кўрсаткичи		Балл-гектар ҳисобига яратилган ялпи маҳсулот қиймати экин турлари бўйича ҳисобланади. $\text{Сиф} = \frac{\text{Экин тури бўйича ялпи маҳсулот қиймати (сўм)}}{\text{экин майдони миқдори (га)} \times \text{экин майдони бўйича балл} - \text{бонитет}}$

Аммо таъкидлаш жоизки, бунда фермер хўжаликларига бириктириб берилган ер майдонлари ва ҳатто битта фермер хўжалиги доирасида турли экин майдонлари (алоҳида далалар ёки контурлар бўйича) турлича унумдорлик кўрсаткичларига эга, натижада ушбу ерларда бир хил миқдордаги сарф - харажатлар эвазига турлича миқдордаги маҳсулот етиштирилади. Шу

⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

боисдан, қишлоқ хўжалигида чекланган ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига баҳо беришда уларнинг сифатини ўзида акс эттирувчи умумлашган қиймат кўрсаткичлари асосида қуйидаги формула орқали аниқлаш тавсия этилди:

$$ЧРС = \frac{ЯКХМК}{КХЕРИК + СРК} \quad , \quad (1)$$

бунда: $ЧРС$ – чекланган ер-сув ресурслари самарадорлиги (сўм);

$ЯКХМК$ – ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиймати (сўм);

$КХЕРИК$ – қишлоқ хўжалиги ерлари иқтисодий қиймати (сўм);

$СРК$ – сув ресурсларининг қиймати (сўм).

Бу ерда сув ресурсларининг қийматини (СРК) иккита йўл билан аниқлаш мумкин бўлади. Биринчиси, фермер хўжаликлари даласигача етказиб берилаётган сув ресурсларининг тўлиқ харажатлари асосида; иккинчиси эса фермер хўжаликларига сув етказиб бериш билан шуғулланувчи СИУларнинг бир гектар экин майдони ҳисобига тўғри келадиган хизматлари баҳолари асосида аниқланади.

Диссертациянинг «**Ер ва сув ресурслардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили**» деб номланган учинчи бобида Зарафшон водийсининг табиий-иқтисодий тавсифномаси, водий қишлоқ хўжалигида чекланган ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва динамикаси ўрганилган ҳамда баҳоланган. Ишлаб чиқаришга киритилаётган чекланган ресурслардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар таҳлил этилган ва уларнинг таъсири борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Қишлоқ хўжалигида экинлар таркибини ер-сув ресурсларидан чекланган ресурс сифатида ёндашган ҳолда оптималлаштириб боришнинг илмий-амалий жиҳатлари асосланган.

Зарафшон водийсида суғориладиган ерларни кенгайтириш ва ўзлаштириш бошланган даврда, яъни ўтган XX асрнинг 60-йиллари охирида Бухоро вилоятининг 67,6 фоиз, Самарқанд вилоятининг 86,4 фоиз суғориладиган ерлари энг яхши ва яхши ерлар категориясига кирган.¹⁰ Аммо ҳозирги даврда водийда тупроқ унумдорлигининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, белгиланган методика асосида ҳисоб-китоб қилинганда сув ресурслари сарфининг ошиб бориши тенденцияси кузатилган. Яъни, сўнги йилларда сарфланган сув миқдори ҳар иккала маҳсулотда (пахта ва ғалла) ҳам қуйи оқимга борган сари камайиб борганлиги аниқланди (2-жадвал).

Тадқиқотлар натижасида юқоридаги шарт-шароитлар ва монографик тўпланган маълумотлар асосида Зарафшон водийси вилоятлари фермер

¹⁰ Хлопководство Узбекистана за 50 лет. Справочник. – Т.: 1973. – с.79.

хўжаликларида суғориладиган ерлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигининг ўзгариш тенденцияси аниқланган.

2-жадвал¹¹

Зарафшон водийси вилоятлари қишлоқ хўжалигида 2006-2015 йилларда 1 тонна пахта ва ғалла ҳосили учун сарфланган сув миқдори, минг м³

	2006		2009		2012		2015	
	пахта	ғалла	пахта	ғалла	пахта	ғалла	пахта	ғалла
Самарқанд	3,60	2,37	3,79	1,68	2,51	1,27	3,00	1,60
Навоий	4,12	2,59	3,93	2,32	2,46	1,48	2,32	1,45
Бухоро	5,29	2,66	4,86	2,32	3,24	1,50	3,71	1,72

Маълумки, 2008 йилгача бўлган даврда бутун республикадаги каби Зарафшон водийсида ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашган эди. 1990 йилда республикада бўйича умумий суғориладиган майдонларнинг 48,2 фоизи турли даражада шўрланган бўлса, 2008 йилга келиб 50,7 фоизга етган. Зарафшон водийсидаги Навоий ва Бухоро вилоятларида бу кўрсаткич мос равишда 87,2 ва 90,2 фоизни ташкил қилган. Ерларнинг шўрланиш даражасининг ошиб кетишига экинлар экишда илмий тавсияларга амал қилинмаганлик, мелиорация ишлари ҳажмининг камайиб бориши, сувдан тежаб-тергаб самарали фойдаланиш механизмининг мавжуд эмаслиги, экинларни суғориш технологиясининг такомиллашмаганлиги, суғориш ирригация тизимининг эскирганлиги, тупроқ унумдорлигини сақлаб туришга етарлича инвестиция жалб қилинмаётганлиги қабилар асосий сабаб бўлган.

Зарафшон водийси вилоятлари фермерларининг суғориладиган ерлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигининг комплекс таҳлили вилоятлар ўртасида 1 гектарга тўғри келган ялпи маҳсулот бўйича 14,1 фоиз ва фойда бўйича 22,6 фоизга фарқланишини кўрсатди.

Зарафшон водийси фермер хўжаликларида суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигидаги ўзгаришлар тенденцияси фермер хўжаликлари ерларининг тупроқ унумдорлиги даражаси бўйича гуруҳлаш ёрдамида очиқ берилган. Унга кўра 2008–2014 йилларда ерлардан фойдаланиш даражаси Самарқанд вилоятида 0,942 дан 0,971 га, Навоий вилоятида 0,933 дан 1,020 га ва Бухоро вилоятида 0,980 дан 0,985 га кўтарилган (3-жадвал).

Самарқанд вилояти бўйича 1751 та, Навоий вилояти бўйича 559 та ва Бухоро вилояти бўйича 2226 та фермер хўжаликларида тупроқ унумдорлигини ошириш борасида олиб борилган ижобий ишлар натижасида экин майдонларидан фойдаланиш даражаси яхшиланган. Чунки улар ўртача хўжалик юритиш шароитидан (табiiй-иқлим шароити, фондлар ва меҳнат билан таъминланиши, механизациялаш даражаси, органик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш, моддий-пул харажатлари ва бошқа бир қанча агротехник ва ташкилий-иқтисодий тадбирлар) анча юқори натижага эришган.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

3-жадвал¹²

Зарафшон водийси вилоятларида тупроқнинг иқтисодий унумдорлигидан фойдаланиш даражасининг таққослама таҳлили (2008–2010 ва 2012–2014 йй.)

Фермер хўжаликлари тупрок унумдорлиги даражаси бўйича гуруҳлаш (баллда)	Йиллар	Гуруҳдаги фермер хўжаликлари сони	Гуруҳ-даги ўртача балл	Пахта ҳосилдорлиги, ц/га		Ҳақиқатда	Ялпи маҳсулот	Ўртача хўжалик юритиш шароитида олиниши мумкин бўлган фойда	Тупрок унумдорлигидан фойдаланиш коэффициенти
				Ўртача хўжалик юритиш шароитида олиниши мумкин бўлган	Ҳақиқатда				
Самарқанд вилояти									
I. 45,0 гача	2008–2010 2012–2014	397 72	40 41	25,5 24,2	17,9 17,4	958 1697	109,2 378,1	76,6 271,5	0,702 0,719
II. 46,0-55,0	2008–2010 2012–2014	601 614	51 55	26,8 26,6	24,0 25,6	1267 2496	180,2 375,3	161,2 361,5	0,895 0,962
III. 56,0-65,0	2008–2010 2012–2014	1325 1226	59 60	24,5 24,5	25,4 25,7	1361 2419	146,8 293,1	152,0 308,0	1,037 1,049
IV. 66 дан юқори	2008–2010 2012–2014	554 525	68 69	20,4 20,5	24,3 24,8	3096 2335	128,9 236,0	153,8 285,2	1,191 1,210
Навоий вилояти									
I. 50,0 гача	2008–2010 2012–2014	514 452	46 47	34,4 33,8	30,4 30,6	1567 3022	264,2 506,2	233,7 448,9	0,884 0,905
II. 51,0-60,0	2008–2010 2012–2014	257 235	51 53	29,8 29,9	29,2 29,9	1504 2958	138,0 266,3	135,4 266,3	0,980 1,000
III. 61 дан юқори	2008–2010 2012–2014	362 324	61 63	23,3 24,7	27,1 29,4	1412 2910	180,5 269,3	211,8 320,1	1,176 1,190
Бухоро вилояти									
I. 50,0 гача	2008–2010 2012–2014	3242 1640	48 47	28,8 33,1	27,7 30,5	1450 2774	159,3 405,3	152,9 373,5	0,962 0,921
II. 51,0-60,0	2008–2010 2012–2014	4675 2256	51 53	28,2 30,9	28,8 32,1	1440 2951	150,3 390,3	153,3 405,6	1,021 1,039

¹² Муаллиф ҳисоб-китоблари.

Бундан ташқари Самарқандда 686 та, Навоий вилоятида 452 та, Бухорода 1640 та фермер хўжаликлари келажакда мос равишда ҳар бир гектарига 2,5-5,1 ц/га, 2,1-3,5 ц/га ва 1,6-2,6 ц/га пахта хомашёси ёки 13,8-106,0 минг сўм, 16,5-57,3 минг сўм ва 20,5-31,5 минг сўм кўпроқ фойда олиш имкониятига эга бўлади. Зарафшон водийси вилоятлари фермер хўжаликларида илмий асосланган алмашлаб экишни (пахта-ғалла-беда) жорий қилиш, янги навлардан фойдаланишда технологик меъёрларни амалга ошириш натижасида ҳосилдорликнинг кўтарилиши, маблағ ва вақтнинг тежалишига олиб келди. Натижада Самарқанд вилояти бўйича гектарига 0,5-0,8 млн. сўм харажат, жумладан, 0,2-0,3 млн. сўм иш ҳақи тежалди. Навоий вилоятида 1,1-1,3 млн. сўм харажат, шундан 0,1-0,2 млн. сўм иш ҳақи ва Бухоро вилоятида 0,2-0,3 млн. сўм харажат ва 0,1-0,15 млн.сўм иш ҳақи тежалди.

Ерлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш, унга бевосита ва билвосита таъсир этувчи кўрсаткичлар кўп омилли корреляция таҳлили усулида 2004-2013 йиллар маълумотлари асосида таҳлил қилинди. Эластиклик коэффицентининг иқтисодий моҳиятига кўра тупроқ унумдорлигининг 1 баллга кўтарилиши ёки пахта хомашёси таннархининг 1,8 фоизга пасайиши, самарадорликни 0,09 фоизга ошишига олиб келиши асосланди. Бу эса 2013 йил жорий баҳоларда 1 ц пахта хомашёси ҳисобига 51,3 сўм ёки вилоят бўйича пахта ялпи ҳосили харажатларини 115,0 млн. сўмга камайтириши ҳисоблаб чиқилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, тадқиқот объекти саналган барча вилоятларда мавжуд фермер хўжаликлари сони қисқарган бўлиб, улардаги экин майдонлари ҳажмида унчалик ҳам ўзгариш бўлмаган. Экин майдонлари ҳажми Бухоро вилоятидаги мавжуд ширкат хўжаликларини фермерларга бутунлай айлантириш ҳисобига улар эгаллаган майдон ҳажми ортган. Қолган икки вилоятда ушбу ўсиш тенденциясида деярли ўзгариш бўлмаган. Зарафшон водийси хўжаликларида оптималлаштириш натижасида фермер хўжаликларининг ўртача майдони 14 гектарга, ҳосилдорлик 1,2 центнерга, 1 м³ сувга тўғри келган ҳосил 0,04 килограммга ва рентабеллик даражаси 2,2 фоизга ўсганлиги аниқланган.

Ушбу таркибий ўзгаришларнинг самарадорликка таъсири Самарқанд вилоятида фермер хўжаликларининг 10 йиллик панел маълумотлари асосида «маълумотлар муҳити модели» ёрдамида таҳлил қилинган. Фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш даврида ўрганилган хўжаликларда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг пасайганлиги кузатилган ва уни ошириш имкониятлари очиқ берилган.

Диссертациянинг «**Ер ва сув ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари**» деб номланган тўртинчи бобида чекланган ресурслардан фойдаланишда турли муқобил вариантларни татбиқ этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мулкчилик шаклидан қатъи назар ресурслардан фойдаланишда иштирок этадиган субъектлар ўртасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар

баҳоланиб, уларни такомиллаштиришга доир таклифлар берилган. Шунингдек, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг таркибий-ташкилий омилларидан бири сифатида субъектлар ўртасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигида агрокластерларни барпо қилиш масаласи ёритилган ва илмий жиҳатдан асосланган.

Агрокластер – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона занжирга бирлаштириш ва юқори технологик инновациялардан фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ жойларда инфратузилма мажмуини шакллантириш ва ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражаси ва даромадларини ошириш ҳамда экологик муҳитни яхшилашга қаратилган хўжалик юритиш субъектидир деган таъриф асосланган.

Тадқиқот жараёнида қўлланилган методикага асосланган ҳолда, Ўзбекистонда мева ва сабзавот маҳсулотлари учун кластерлаштириш коэффициенти Андижон, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида юқори эканлиги исботланди. Самарқанд вилоятида мева-сабзавотларни қайта ишлаш саноатининг ривожланганлиги, географик жойлашув, транспорт ва логистика жиҳатдан қулайлик ҳамда хорижий инвесторлар учун Самарқанд шаҳрида жойлашган тарихий обидаларнинг ўзига жалб этиши каби ва яна бошқа ижтимоий омиллар туфайли ушбу вилоят агрокластер ташкил этиш учун тавсия этилди.

Тадқиқот ишида агрокластерларни Самарқанд вилояти мисолида яратиш бўйича 2012-2013 йилларда Корея Ривожлантириш институти кўмагида «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида қайта ишлашни ривожлантириш: Корея тажрибаси ва билимларни тарқатиш» ҳамда «Ўзбекистон агросаноат мажмуасида агрокластерлар ташкил этиш» лойиҳалари тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, Самарқанд вилоятидаги Жомбой (олма) ва Булунғур туманларида (томат) агрокластерларни яратиш дастури ишлаб чиқилиб, қуйидаги босқичли ривожлантиришнинг стратегик чора-тадбирлари тавсия этилди (4-жадвал).

Ушбу стратегияни амалга оширишдан кўзланган мақсад қишлоқ хўжалигининг саноатлаштириш жараёнини жадаллаштириш асосида хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш; қишлоқда саноат ва сервисни ривожлантириш; экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини яратиш; фан-таълим-ишлаб чиқаришга асосий урғу бериб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замонавий кадрлар билан таъминлаш, фандаги янгиликларни тезликда ишлаб чиқаришга жорий этиш; қишлоқда агротуризмни шакллантириш; етиштирилган маҳсулотнинг истеъмолчига боргунча жараёнлардаги катта йўқотишларни камайтириш, пировардида эса қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатини кластерлаш стратегияси

Босқич	Стратегия	Мақсад/кутилаётган натижалар
1-босқич 2013-2015	Инфраструктурани ривожлантириш: - хомашё учун барқарор харид тизимини шакллантириш; - музлатгич ва омборхоналар сонини кўпайтириш.	Ҳосил йиғиштириб олингандан кейинги йўқотишларни камайтириш
2-босқич 2015-2020	Қишлоқ хўжалигининг саноатлашуви: - агро-индустриал комплекси кўллаб-қувватлаш (ёки агробизнес компаниялари); - энергия таъминоти, йўллар қурилиши, молиявий хизматлар ва бошқаларнинг ривожлантирилиши; - ишловчилар малакасини ошириш учун ўқишлар ташкил этиш.	Қишлоқ хўжалигининг диверсификациялашуви: - истеъмолчилар талаби асосидаги маҳсулотларни кўпайтириш (м. ярим тайёр, музлатилган ва бошқ.); - қайта ишлаш даражасини кескин ошириш; - қишлоқ ҳудудларида янги иш жойларини барпо этиш.
3-босқич 2020-2030	Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатининг глобаллашуви: - халқаро агробизнес компанияларини ташкил этиш; - юқори технологияли Агро-озик-овқат кластерларни ташкил этиш.	Қишлоқ хўжалигида қайта ишлашнинг оптималлашуви: агрокластер иштирокчиларининг қўшимча қиймат олиши-ни кўпайтириш, қишлоқ аҳолиси аромадларини кескин ошириш.

Самарқанд вилояти мисолида пахта хомашёсининг навлар бўйича сотиш баҳолари билан биргаликда сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланганлигини ва унинг баҳога таъсири очиб берилганлигини кузатиш мумкин. 2009 йилда вилоятда жами сотилган 1-нав пахта хомашёси 68,4 фоизини ташкил этган бўлса, бу 2013 йилга келиб 85,7 фоизга ошди. 2009 йилда жами қабул қилинган 1- ва 2-нав пахта хомашёси 85,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 7,4 фоизга ошиб, 93,2 фоизни ташкил этди. Вилоятда навларнинг ҳақиқатда ва режалаштирилган сотиш баҳолари ўртасидаги тафовутлар белгилаб берилган бўлиб, бу сифат кўрсаткичларни ифодалайди. 2009 йилда 70,3 фоиз пахта хомашёси 1-навга сотилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 68,4 фоиз 1-навга қабул қилинган, аксинча 2 навда эса режадагидан 0,9 фоиз ошганлигини кўриш мумкин. 2013 йилда эса 2009 йилга нисбатан сифат кўрсаткичининг ўсиши кузатилган, хусусан, 2013 йилда режада 80,8 фоиз белгиланган бўлса-да, ҳақиқатда 85,7 фоиз 1-навга, аксинча 2-4 фоиз хомашё 2-навга қабул қилинган. Ушбу сифат ўсишлари ўз навбатида вилоятдаги ҳақиқатда сотилган пахта ҳажмидан тушган фойданинг 2013 йилда 2009 йилга нисбатан ижобий ўзгаришини таъминлаган. 2013 йилда 1-навга режадагидан кўпроқ сотилиши натижасида 5,4 млрд. сўм, 2-навдан 1,2 млрд сўм, 4 навдан 37 млн. сўм кўпроқ фойда бўлган, фақатгина 3-навда режадагидан камроқ бўлган, яъни 2,3 млрд. сўм олинмай қолган.

Диссертациянинг «**Ер ва сув ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари**» деб номланган бешинчи бобида чекланган ресурслардан фойдаланишни таҳлил этишда турли муқобил вариантлар асосида иқтисодий жараёнлар баҳоланган ва уларни ривожлантириш имкониятлари очиб берилган. Чекланган ресурслардан фойдаланишда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим қисми ҳисобланган аграр сиёсатнинг ресурслардан фойдаланишдаги таъсири модель натижаларига асосан баҳоланган. Модель орқали ишлаб чиқаришга киритилаётган ресурслардан самарали фойдаланиш самарадорлиги баҳоланган ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг келгуси истиқболи башорат қилинган. Ресурслардан фойдаланишга ташкилий-иқтисодий механизмлар таъсири баҳоланган. Худуд учун аграр соҳадаги таркибий ва ташкилий ўзгаришлар самарадорлиги асослаб берилган ва уни жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хусусан, DEA моделини қўллаш асосида самарадорликни аниқлашда дастлабки вариантда Зарафшон водийсида жойлашган Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари худудларидаги жами 32 та туманнинг фермер хўжаликлари йиғма «Фермер-1» ҳисобот маълумотлари таҳлил қилинди. DEA моделида CRS ишлаб чиқариш ҳолатида 2007–2013 йиллар маълумотлари асосида водийдаги асосий 6 та экин: пахта, ғалла, сабзавотлар, картошка, мева ва узум ишлаб чиқаришнинг техникавий самарадорлиги ва унинг ўзгариши, ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариши ҳамда жами омиллар унумдорлиги таҳлил этилди ва керакли хулосалар қилинди.

Малмкюст индекси орқали кейинги босқичда Самарқанд вилоятининг 11 туманида жойлашган жами 129 та фермер хўжаликларининг ҳисобот маълумотлари асосида 2002–2012 йиллардаги фаолиятлари динамикаси таҳлил қилинди.

Фермер хўжаликларининг ҳисобот юритиш ҳужжатларида ҳар бир йил ва ҳар бир ресурслар кесимида маълумотларда камчилик ва етишмовчилик бўлганлиги боис моделда баланслашмаган маълумотлардан фойдаланилди. Моделга киритилган ушбу ресурслардан фойдаланган ҳолда фермер хўжаликларининг 2002–2012 йиллар мобайнида техникавий самарадорлигининг ўзгариши (ТСЎ), ишлаб чиқариш технологияси ёки техникавий ўзгариш (ТЎ), қўлам ёки масштаб самарадорлиги ўзгариши (КС), тўлиқ иқтисодий самарадорликнинг ўзгариши (ИСЎ) ва умумий омиллар унумдорлигининг ўзгариши (УОЎ) таҳлил қилинди.

Тадқиқот жараёнида чекланган ресурслар самарадорлигини баҳолаш ва ҳисоблашда модификациялашган DEA модели асосида «суперсамардорлик»ни аниқлаш¹² орқали самарали корхоналар ичидан янги «пиар»лар аниқланди. «Суперсамарадорлик» – DEA модели ёрдамида Самарқанд вилоятида пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган 8 тумандан жами 87 та фермер хўжаликларининг 2008–2013 йиллардаги ғалла ишлаб чиқариш бўйича

¹²Andersen, P., Petersen, N. S., Procedure for Ranking Efficient Units in Data Envelopment Analysis, Journal-Management Science, Vol.39, No.10, 1261–1264 pp, 1993

маълумотлари таҳлил қилинди. Фермер хўжаликлари экин майдонлари ҳар бирига мос балл бонитети коэффицентига кўпайтирилиб, тўпلامдаги барча фермерлар бир хил шароитга эга деб фараз қилинди. Қолган ресурслар: уруғлик, ўғит, ёкилғи-мойлаш материаллари, иш ва хизматлар, иш ҳақининг қиймат кўрсаткичлари олинди.

Ўрганилган фермер хўжаликларининг 42 таси самарасиз фаолият юритган, яъни уларда ўзларидаги мавжуд турли ресурсларни ишлатган ҳолда, маҳсулот миқдорини 4 таси 20 фоиз, 9 таси 10-20 фоиз ва 29 таси 10 фоизгача ошириш имконияти мавжуд. Улар қайси ресурсдан қанчалик камайтириши ҳар бир хўжаликнинг «ресурс ортиқчалиги»да акс эттирилган. Қолган 45 хўжаликларнинг рейтинги уларнинг «суперсамарадорлик» фоизлари асосида аниқланди. Масалан, Пахтачи туманидаги «Жўрақулов Исомиддин», Иштихон туманидаги «Захро-Сухроб» ва Жомбой туманидаги «Мухаммад ота 2000» фермер хўжаликларининг самарадорлик кўрсаткичлари мос равишда 170,5 фоиз, 117,3 фоиз ва 108,9 фоиз бўлгани ҳолда, ишлаб чиқаришни тўпلامдаги бошқа хўжаликларга нисбатан мавжуд ресурсларни 70,5 фоиз, 17,3 фоиз ва 8,9 фоиз камайтирганда ҳам самарали бўлиши, шунингдек ортиқча ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш эвазига уларда самарадорликни оширишнинг потенциал имкониятлари очиб берилди.

Маълумки, республикада бир йилда ўртача 60 млрд. м³ сув истеъмол қилинади, шундан 50 млрд. м³ қишлоқ хўжалиги мақсадларида ишлатилади. Ўртача ҳар бир гектар суғориладиган майдонга 11-12 минг м³ сув сарфланади. Ўзбекистон ҳудудида ташкил бўладиган сувнинг умумий ҳажми 8-10 млрд. м³ дан ошмайди, яъни бир гектар суғориладиган ерга нисбатан тахминан 1000 м³ ни ташкил этади¹³. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон арид минтақада жойлашганлиги сабабли, ҳудудда сув танқислиги ўта кучли сезилади. Ҳозирда мавжуд методологиялар асосида сувдан фойдаланиш самарадор-лигини баҳолашда натижа-самара сифатида 1 га суғориладиган майдондан олинган ҳосил ёки даромад, 1 м³ сарфланган сув ҳисобига яратилган маҳсулот ёки даромад (тушум, фойда)га қаралади. Албатта, ушбу услуб ҳисоблаш учун қулай, аммо ишлаб чиқариш жараёнида сув ресурсларидан ташқари ишчи кучи, ўғит ва бошқа капитал ресурслар иштирок этади. Бошқача айтганда, айрим фермер хўжаликларида 1 га майдондан олинган ҳосил ёки даромадда бошқа омиллар улуши кўп ёки оз бўлиши мумкин.

Бунда барча ишлаб чиқариш омилларининг иштирокини биргаликда қарайдиган тизимли ёндашувни талаб этадиган DEA методологияси орқали амалга ошириш мумкинлиги илмий ишда асослаб берилди. Шунингдек, ушбу методологияда алоҳида ресурс самарадорлигини ҳисоблаш имконини берувчи суб-вектор усули мавжуд бўлиб, уни сувдан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблашда қўллаш мумкин.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг www.agro.uz расмий веб-сайти маълумотлари асосида, 2013 йил.

Диссертацияда Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалик корхоналаридаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, юқорида таъкидлаб ўтилган моделдан фойдаланиб, Самарқанд вилоятида шўрланган, тошлоқ ва қумлоқ, унумдорлиги ўта паст, сув танқислиги мавжуд бўлган, пахтадан 5-15 ц/га, ғалладан 15-25 ц/га дан ортиқ ҳосил олиб бўлмайдиган, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қопламайдиган, рентабеллиги паст бўлган мавжуд 5676,9 гектар пахта ва ғалла экин майдонлари ўрнига 2020 йилгача бўлган давр мобайнида сабзавот, картошка, полиз, озуқа экинлари, мойли экинлар майдонларини кенгайтириш, боғ, узумзор ва тутзорлар барпо этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (5-жадвал).

5-жадвал

Самарқанд вилояти бўйича 2020 йилгача қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини оптималлаштириш прогнозлари

№	Экин турлари	2005–2016 йиллар ўртача, га	2018 йил ўртачага нисбатан, %	2020 йил ўртачага нисбатан, %
1.	Жами қишлоқ хўжалиги ерлари майдони, га	302901.5		
1.2	жумладан: суғориладиган ғалла экин майдонлари	110100	-1,1	-1,1
1.3	пахта экин майдонлари	91500	-3,5	-4,8
2.	Бошқа экинлар, ш.ж.:	101301.5	4,4	5,6
2.1	сабзавот	15799	3,4	4,3
2.2	картошка	1639	21,3	24,3
2.3	полиз	1218	12,3	17,2
2.4	озуқа экинлари	22992.5	3,4	5,4
2.5	мойли экинлар	931	10,7	11,8
2.6	узумзорлар	29083	7,1	8,6
2.7	боғлар	21381	1,0	1,1
2.8	тутзорлар	7962	2,1	2,4
2.9	манзарали дарахтлар	296	32,6	37,2
3.	Сув танқислиги туфайли экин экилмайдиган ер майдони	1611	1611	1611

Бундай таркибий характердаги чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этиш:

биринчидан, пахта нархлари ўсишининг келгусида секинлашуви кузатилаётган ҳозирги даврда етиштирилган пахта хомашёсини ташқи бозорларга чиқариб, нисбатан арзон нархларда сотгандан кўра, унинг 60-70 фоизини қайта ишлашни ривожлантириш қўшимча саноатлашган иш ўринларини яратишга хизмат қилади;

иккинчидан, экин майдонлари ва маҳсулотларни таркибий муқобиллаштириш асосида илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини талаб даражасида амалга ошириш имконини беради;

учинчидан, сифати жаҳон стандарт (андоза)ларига жавоб берадиган, тегишли бозор сегментларида харидоргир ва рақобатбардош тайёр истеъмол товарлари экспортини кўпайтириш орқали мамлакат валюта фондини оширади;

тўртинчидан, ўсиб бораётган аҳоли талабларини тиббий меъёрлар даражасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, экологик тоза истеъмол маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва шунинг негизида бўлғуси авлод вакиллари учун соғлом турмуш тарзини барпо этишга хизмат қилади;

бешинчидан, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби стратегик вазифаларни изчил ҳал этиш учун кенг имкониятлар яратади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ер ва сув ресурсларини кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириб бўлмаслигини ҳисобга олиб, уларни чегараланган (ерга нисбатан) ёки чекланган (сув ва бошқаларга нисбатан) ресурслар деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Тупроқ унумдорлигини, асосан, табиий, сунъий, иқтисодий, айрим илмий ишларда мутлақ унумдорлик тоифаларига бўлиб, уларнинг ҳар бирига мос хусусият ва талқинлар берилган. Бизнинг фикримизча эса, асосан, ташқи очик муҳитдагина ташкил этиладиган (теплица, парник ва бошқа ёпиқ маконлар бундан мустасно) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, ушбу жараёнда фойдаланиладиган турли воситалар (техника, кимёлаштириш воситалари ва ҳ.к.)нинг атроф-муҳитга аксарият ҳолларда салбий таъсир кўрсатишларини ҳисобга олиб, тупроқ унумдорлиги атамасини иқтисодий-ижтимоий-экологик унумдорлик тушунчаси билан кенгайтириш лозим. Бинобарин, мазкур илмий таклифга асосланган ҳолда ва тадқиқот жараёнида ушбу йўналишларда илмий изланишлар олиб борган олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини кенг маънода ижтимоий-иқтисодий-экологик самарадорлик деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Ердан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини ошириш мақсадида, шунингдек, бозор муносабатлари шароитида ерни нафақат хўжалик объекти сифатида, балки мулк объекти сифатида ҳам рўёбга чиқаришни эътиборга олиб Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»га «Ер бозори» деган алоҳида модда киритиш ҳамда «Ер кодекси»нинг 3-боб 15-моддаси, 4-боб 28-моддасини ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-, 5-, 13-моддалари ҳамда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-боб 31-моддасига қўшимчалар киритилиши тавсия этилган.

4. Зарафшон водийси фермер хўжаликларида суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигидаги ўзгаришлар тенденцияси фермер хўжаликларини тупроқ унумдорлиги даражаси бўйича гуруҳлаш ёрдамида

очиb берилган. Унга кўра 2008-2014 йилларда ерлардан фойдаланиш даражаси Самарқанд вилоятида 0,942 дан 0,971 га, Навоий вилоятида 0,933 дан 1,020 га ва Бухоро вилоятида 0,980 дан 0,985 га кўтарилган. Шуларга асосланиб, Самарқандда 686 та, Навоий вилоятида 452 та ва Бухорода 1640 та фермер хўжаликларида келажакда ҳар бир гектарига мос равишда 2,5-5,1 ц/га, 2,1-3,5 ц/га ва 1,6-2,6 ц/га пахта хомашёси ёки 13,8-106,0 минг сўм, 16,5-57,3 ва 20,5-31,5 минг сўм кўпроқ фойда олиш имкониятининг мавжудлиги асослаб берилган.

5. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига йўналтирилаётган ресурсларни камайтириш ва маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга қаратилган DEA моделининг мос келиши илмий-амалий жиҳатдан асосланди ва амалиётга қўлланилди. Ишлаб чиқаришда қатнашувчи барча омиллар Тобит модели асосида миқдорий кўрсаткичларга айлантирилиб, уларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан, жумладан, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига таъсири назарий жиҳатдан асослаб берилди.

6. Шунингдек, илмий ишда «суперсамарадорлик» методи фермер хўжаликлари рейтингини аниқлашда қўлланилди. Самарқанд вилоятидаги пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган 8 тумандан жами 87 та фермер хўжаликларининг 2008–2013 йиллардаги ғалла ишлаб чиқариш бўйича маълумотлари таҳлил қилинди. Самарасиз фаолият юритаётган 42 та фермер хўжаликларидан маҳсулот миқдорини 4 таси 20 фоиз, 9 таси 10-20 фоиз ва 29 таси 10 фоизгача ошириш имкониятига эгаликлари асосланди. Шунингдек, уларда қайси ресурсдан қанча камайтириш мумкинлиги, яъни «ресурс ортиқчалиги» аниқлаб чиқилди. Самарали ишлаётган 45 та хўжаликларнинг рейтингини «суперсамарадорлик» услуби асосида аниқланди.

7. Сувдан фойдаланиш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичларини баҳолашда ҳозирги мавжуд методологияларда натижа-самара сифатида 1 га суғориладиган майдондан олинган ҳосил ёки даромад, 1 м³ сарфланган сув ҳисобига яратилган маҳсулот ёки даромад (тушум, фойда)га қаралади. Ишлаб чиқариш жараёнида барча ишлаб чиқариш омиллари иштирок этганда айнан таҳлил этилиши лозим бўлган ресурсдан олинган натижаларга, самарадорлик даражасига таъсирини, қўшган улушини баҳоловчи тизимли ёндашув сифатида DEA – суб-вектор методологиясини қўллаш тавсия этилди. Зотан ушбу методология бўйича алоҳида ресурсдан (масалан, сув ресурслари) фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш имкони мавжуд. У бизга жами ресурслар тўплами ичидан фақатгина «суб-тўплам»га кирган ресурс самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради.

8. Республика аграр соҳасида агрокластерлар ташкил қилишнинг аҳамияти ва зарурияти илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди ва қуйидагича таърифланди: «қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона занжирга бирлаштириш ва юқори технологик инновациялардан фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ жойларда инфратузилма мажмуини шакллантириш ва

ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражаси ва даромадларини ошириш ҳамда экологик муҳитни яхшилашга қаратилган фаолият юритувчи ҳудудий хўжалик юритиш субъектидир». Мева-сабзавотларни қайта ишлаш саноатининг ривожланганлиги, географик жойлашуви, транспорт ва логистика жиҳатдан қулайлик ҳамда хорижий инвесторлар учун Самарқанд шаҳри тарихий обидаларининг ўзига жалб этиши каби ва яна бошқа иқтисодий-ижтимоий ва маданий омиллар таъсирида Самарқанд вилояти агрокластер ташкил этиш учун тавсия этилди. Шунингдек, ушбу агрокластер кейинчалик Самарқанд вилоятида махсус «озик-овқат» эркин зонасининг ташкил этилишига асос бўлиши назарий жиҳатдан асосланди ва ҳудуднинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси тавсия этилди.

9. Диссертацияда Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш потенциал заҳираларининг 2020 йилгача бўлган прогноз (башорат) кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Уларга мувофиқ 2020 йилгача бўлган даврда Самарқанд вилоятида шўрланган, тошлоқ ва қумлоқ, унумдорлиги ўта паст, сув танқислиги мавжуд бўлган, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳаражатларини қопламайдиган, ҳосилдорлиги ва рентабеллиги паст бўлган мавжуд 5676,9 гектар пахта ва ғалла экиб келинаётган майдонларга сабзавот, картошка, полиз, озуқа экинлари, мойли экинлар майдонларини кенгайтириш, боғ, узумзор ва тутзорлар барпо этиш тавсия этилиб, уларнинг таркибий улушлари туманлар даражасида аниқлаб берилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, илмий-тадқиқот жараёнида асослаб берилган илмий-назарий ишланмалар, услубий-амалий таклиф-тавсиялар ва моделларни амалиётга татбиқ қилиш истиқболда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий ва муҳим ресурслари ҳисобланган чекланган ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, фермер ва деҳқон хўжаликларининг даромад олиш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва қишлоқ аҳолисининг яшаш фаровонлигини юксалтириш каби йўналишлардаги имкониятларини янада кенгайтиради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. I.10.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И ТАШКЕНТСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА

САМАРКАНДСКИЙ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ

ХАСАНОВ ШАВКАТ ТУРСУНКУЛОВИЧ

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ЗЕМЕЛЬНЫХ И ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

08.00.04 – Экономика сельского хозяйства

АВТОРЕФЕРАТ
докторской (Doctor of Science) диссертации по экономическим наукам

Город Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 18.11.2015/B2015.3-4.I585

Диссертация выполнена в Самаркандском сельскохозяйственном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский(резюме)) размещён на веб-сайте научного совета (www.tiame.uz) и на информационно-научном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Муртазаев Олим**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Чориев Курбон Амирович**
доктор экономических наук, профессор

Эргашев Рахматулла Хидирович
доктор экономических наук, профессор

Маматкулов Абдурашид Вахидович
доктор экономических наук

Ведущая организация: **Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.10.03. по присуждению ученой степени доктора наук при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства и Ташкентского государственного аграрного университета. (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кори-Ниязий, 39. Тел.: (99871)237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией доктора наук (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрирован за № ____). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кори-Ниязий, 39. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2017 года.)

У.П.Умурзаков

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

Б.Ф.Султанов

Секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат экономических наук

Н.С.Хушматов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Решение таких важных организационно-структурных и социально-экономических задач как улучшение качества сельскохозяйственной продукции, снижение затрат, повышение производительности труда в мире, в первую очередь, непосредственно связано со степенью использования земельных и водных ресурсов. Так как «В мире земельные ресурсы являются одним из основных средств, удовлетворяющих потребности человека и обеспечивают более 95 процентов продовольствия, основных видов одежды и все виды лесной продукции».¹

Достижение независимости Республикой Узбекистан и переход на рыночные отношения потребовали осуществления коренных структурных реформ в аграрной сфере. В частности, в сельском хозяйстве сформировалась и совершенствуется правовая основа, гарантирующая право на пользование землей и имуществом. Кроме этого, при размещении культур проводятся широкомасштабные мероприятия по повышению доли культур, улучшающих плодородие почвы, внедрению современных технологий производства сельскохозяйственной продукции и механизмов экономического стимулирования эффективного использования земельно-водных ресурсов, улучшению мелиоративного состояния земель. В результате проведенных мер улучшилось плодородие земель, экологическое состояние, а также повысилась урожайность культур, увеличился объем производства сельскохозяйственной продукции. Однако, разработка кардинально новых подходов и их практическая реализация, направленные на совершенствование реформ в этой сфере, являются требованием времени. В связи с этим, стратегической задачей в перспективе в сельскохозяйственной отрасли определены «широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, дальнейшая оптимизация посевных площадей, направленная на сокращение посевных площадей под хлопчатник и зерновые колосовые культуры, с размещением на высвобождаемых землях картофеля, овощей, кормовых и масличных культур, а также новых интенсивных садов и виноградников».²

Возникшие в результате глобального изменения климата на Земле за последние годы дефицит воды, деградация пастбищ, увеличение степных зон оказывают негативное влияние на сельское хозяйство. Помимо этого, выход из колеи научно обоснованной системы севооборота в сельском хозяйстве, а также неполное и нерациональное использование факторов интенсивности, нынешнее мелиоративное состояние сельскохозяйственных земель приводят к увеличению масштабов экологических и экономических угроз для устойчивого развития данной сферы. В частности, наличие таких проблем, как

¹ Young, A., 1998. Land Resources—Now and for the Future. Cambridge University Press, Cambridge.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Сборник законодательных актов Республики Узбекистан, 2017 г. 29-стр.

формирование рыночных механизмов, служащих повышению инвестиционной привлекательности и привлекательности рынка труда, а также экономической эффективности за счет размещения культур и оптимизации доли культур, повышающих плодородие почв в соответствующих регионах с учетом категории земель и качества почвы, требуют проведения более всесторонних исследовательских работ по их решению.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат реализации задач, отмеченных в Законе Республики Узбекистан «О воде и водопользовании» (1993), «Земельном кодексе», Законах Республики Узбекистан «О фермерском хозяйстве», «О дехканском хозяйстве» (1998), Постановлении Президента Республики Узбекистан от 19.04.2013 г. № ПП-1958 «О мерах по дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель и рациональному использованию водных ресурсов на период 2013-2017 годы», постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 24.02.2014 г. № 39 "О дополнительных мерах по обеспечению безусловного выполнения Государственной программы по улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель и рациональному использованию водных ресурсов на период 2013-2017 годы», Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, регулирующих данную деятельность.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках проекта ППИ-2 «Разработка научных основ дальнейшего углубления демократических реформ, формирования гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики» в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации.³ В настоящее время проблемами эффективного использования ресурсов в мировой сельскохозяйственной экономике и устойчивого развития регионов занимаются ведущие высшие учебные заведения и научные центры мира, в частности Center of Development Research University of Bonn (ZEF), Department of Agricultural Economics and Rural Development University of Goettingen, Center for international Development and Environmental Research University of Giessen (ZEU), IAMO – Leibniz Institute of Agricultural Development in Transition Economies (Германия), Odense University (Дания), The Centre for Efficiency and Productivity Analysis (CEPA) (Австралия), Department of Agricultural Economics

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации www.zef.de/, www.uni-goettingen.de, www.iamo.de, www.sdu.dk, www.uq.edu.au/economics/cepa/, www.ugent.be/bw/agricultural-economics/en, www.uv.es/uvweb/applied_economics_department/, www.uwrf.edu/AGEC/, www.pku.edu.cn, www.wur.nl/en/Education-Programmes/PhD-Programme/Graduate-Schools/ и др. источники.

University of Ghent (Бельгия), Applied Economics Department University of Valencia (Испания), Agricultural Economics Department University of Wisconsin (UWRF) (США), University of Peking (Китай), Wageningen School of Social Sciences (Голландия), и др.

По проведенным исследованиям получены ряд научных результатов касательно эффективного использования земельно-водных ресурсов в сельском хозяйстве, в частности: предложен метод расчета эффективности в условиях изменчивой и постоянной технологии производства (University of Texas at Austin, США); разработаны методики расчета производственной эффективности и результативности факторов на основе различных методов (Centre for efficiency and productivity analysis, Department of econometrics, University of New England, Австралия); обоснованы пути рационального водо- и землепользования в сельском хозяйстве путем установления межотраслевых связей (Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), Италия); разработано влияние эффективности на качественные факторы (Peking University, Китай; International Food Policy Research Institute, США); обоснована взаимосвязь между эффективностью суб-вектора водных ресурсов в сельском хозяйстве и влияющими на него качественными показателями (The University of Queensland, Австралия); выявлен рейтинг предприятий, рационально использующих ресурсы на основе метода «суперэффективности» (Department of Economics, Terry College of Business, University of Georgia, США).

В мире исследования по эффективному использованию земельных и водных ресурсов ведутся в следующих направлениях: проблемы влияния качественных факторов на повышение эффективности использования земельных и водных ресурсов; повышение эффективности при использовании земельных и водных ресурсов на основе межхозяйственной кооперации между сельскохозяйственными субъектами; увеличение доходов через организацию эффективного производства с учетом влияния окружающей среды.

Степень изученности проблемы. Теория эффективности и система её показателей в условиях рыночных отношений изучены многими зарубежными и отечественными учеными. В частности, теория эффективности исследована такими крупными учеными-экономистами зарубежных стран, как К.Макконнелл и С.Брю, Эдвин Дж. Долан и Дэвид Е.Линдсей, М.Ж. Фаррелл, Дж. С. Милл, Ф.Х.Кнайт, Ж.Б.Сэй, Й.Х.Тюнен, Х. фон Мангольдт, Джон Бейтс Кларк, П.И.Чужинов, Р.Пиндайк и Д.Рубинфельд, А.Рожер и др.⁴

В нашей стране теоретические и методические основы водо- и землепользования, которые являются ограниченными ресурсами в сельском хозяйстве, порядок и методы государственного учета земельных угодий,

⁴Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. санг. Таллин. – 1993. – с. 38–39.; Долан, Д.Линдсей. Рынок: микроэкономическая модель. – Санкт-Петербург, 1992. – с. 12; Farrell, M.J. “The measurement of Productive Efficiency” Journal of Royal Statistical Society, Series A, 120:253–290, 1957; Knight F.H., Risk, Uncertainty, and Profit. Boston, Houghton, 1921, 6–16 pp.; Петренко И.Я., Чужинов П.И. Экономика сельскохозяйственного производства – Алма-ата, «Кайнар» – с. 325; Пиндайк Р., Рубинфельд Д., Микроиктисод (инглизчадан таржима). – Т.: «Шарк», 2002. – 390-б.; Roger A.Arnold, Microeconomics, 9th ed., South-WesternCengageLearning. – 2008, 171 p.

ведение земельного кадастра, бонитировка земли, экономическая цена земли, формирование дифференциальной ренты в сельском хозяйстве, а также получение более высокой чистой прибыли за счет производства высококачественной продукции и ресурсной единицы исследованы такими учеными-экономистами в аграрной сфере, как В.В.Кимом, М.К.Каюмовым, С.Н.Усмоновым, Г.Г.Добудогло и М.Хошимжоновым, А.Абдуганиевым, Ж.М.Медетуллаевым, К.А.Чориевым, У.П.Умурзаковым, С.Ч.Джалаловым и О.Муртазаевым.⁵

Большинство вышеперечисленных работ были выполнены до приобретения независимости Республики Узбекистан, и перехода на рыночные отношения, однако вопросы повышения экономической эффективности использования ограниченных ресурсов, отраженных в научных работах зарубежных учёных, не использованы в работах учёными нашей страны.

